

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

Манба ва фойдаланишган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги “Кўн тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириши ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 972-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги “Сурхондарё вилоятида дехқон хўжаликларининг имкониятларидан самарало фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 382-сон қарори.
4. Мирзиёев Ш.М. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.
5. Мирзиёев Ш.М. «Буюк келажагимизни мард ва олижсаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз» – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги «Солиқ маъмуриятчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хўжжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-455-сонли Қонуни
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Иқтисодий ривожланиши соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5621-сон Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июлдаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартиба солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5755-сон Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4555-сон Қарори. Қонун хўжжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2020 й., 07/20/4555/4257-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2008-2020 йиллардаги маълумотлари.

ИСТЕММОЛ САВАТИГА КИРУВЧИ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ЭТИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдуганиев Отабек Аллаажонович -
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ТерДУ, Ахборот технологиялари факультети декани

Аннотация: Ушбу мақолада истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари самарадорлигини оширишни моделлаштириш жараёнлари атрофлича ёритилган. Шунингдек, минтақаларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: истеъмол савати, моделлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моделлаштириш методикаси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА ЭФФЕКТИВНОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ, ВХОДЯЩЕЙ В ПОТРЕБИТЕЛЬСКУЮ КОРЗИНУ

Абдуганиев Отабек Аллаажонович -
Доктор философии по экономике (PhD)
ТерГУ, декан факультета информационных технологий

Аннотация: В данной статье всесторонне освещены процессы моделирования повышения эффективности сельскохозяйственной продукции входящие в потребительскую корзину. А также разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по обеспечению продуктовой безопасности в регионах.

Ключевые слова: потребительская корзина, моделирование, сельскохозяйственная продукция, методология моделирования.

IMPROVEMENT OF THE METHODOLOGY OF ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS OF THE EFFICIENCY OF AGRICULTURAL PRODUCTS INCLUDED IN THE CONSUMER CART

Abduganiyev Otabek Allajonovich -
Doctor of Philosophy in Economics (PhD)
TerSU, Dean of the Faculty of Information Technologies

Annotation: This article comprehensively covers the modeling processes for improving the efficiency of agricultural products included in the consumer basket. It also developed scientifically grounded proposals and recommendations for ensuring food safety in the regions.

Key words: consumer basket, modeling, agricultural products, modeling methodology.

Кириш. Ҳозирги күн талабидан келиб чиқадиган бўлсак, барча иқтисодий жараёнларни эконометрик моделлаштириш масаласи долзарб бўлиб, бу бевосита келгуси жараённи аниқлаш, унга эришиш йўлларини ишлаб чиқиш имконини бериши билан муҳимдир. Шу маънода, тадқиқот ишида истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш, унга эришиш борасидаги вазифаларни белгилашда жараённи моделлаштириш услубиётини ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинган. Бу борада, жараённи тўлиқ ўзида мужассам этувчи ва тўғри қарор қабул қилишга имкон берувчи соғлом илмий ғояларни мунтазам равищда қайта ишлатилишига ва амалиётга жорий қилиш мумкин бўлган имкон қадар тўлиқ жараённи қамраб олувчи моделини ишлаб чиқиш лозим.

Шунинг учун тадқиқотда амалга оширилган истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилиши режалаштирилган моделда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етишириш жараёнида унга таъсир этувчи омиллар корреляцион таҳдил ёрдамида қўйилган талабларга биноан имкон даражасида кенгроқ қўриб чиқилган бўлиб, қишлоқ хўжалигига киритилган молиявий маблағлар, атроф-муҳит, сақлаш ва сотиш жараёнлари мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда эътиборга олинган. Бу эса ўз навбатида ҳозирги кунда ишлаб чиқилган моделлар кетма-кетлигини узилиб қолишидан сақлаган ҳолда узвийлигини таъминлайди ва айрим моделларда учрадлиган бўшлиқни тўлдиради[1]. Умуман олганда, истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни симуляция қилиш моделини яратиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етишириш жараёнини моделлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ иқтисодий жараёнларни қамраб олиши, минтақавий об-ҳаво шароити ва бозор нархларини ўз ичига олган сценарийларни бошқариш тизими билан боғлиқлиги ва моделлаштириш тажрибаларини режалаштириш ҳамда ҳисоблаш натижаларини қайта ишлаш воситаларини эътиборга олинган-ганилиги билан ва бир неча йиллар мобайнида жараённи бошқаришнинг энг яхши тактикаси ва стратегиясини топиш учун симуляцион тажрибалар ўтказиш натижаси эканлиги билан бошқа тадқиқот натижаларидан ажralиб турди.

$$\text{Молиявий блок: } XHP(t + T) = XHP(t) + (XHT(t) + D(t))T \quad (1)$$

бу ерда, $XHP(t)$ – t вақтидаги хўжалиги ҳисобидаги пул; $XHT(t)$ - хўжалик ҳисобига тушумлар; $D(t)$ - $[t, t+T]$ вақт оралиғидаги ҳисобидан

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақолада истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари самарадорлигини оширишни моделлаштириш жараёнлари атрофлича ёритилган. Ушбу моделлаштириш жараёнлари услугиятларига таянган ҳолда истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсия ишлаб чиқилган.

Масалан, таниқли иқтисодчи олим, академик С.С.Уломов ўз асарларида аҳолини истеъмол саватига киравчи товарлар билан таъминланганлик даражасига алоҳида эътибор қаратилиб, бу ҳолатни мамлакатда инновациялар ролини ривожлантириш орқали таъминлаш мумкин[2] деган хulosани беради. Шунингдек, Б.Э.Мамарахимов ҳам истеъмол савати ва озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиб чиққан бўлиб, унинг фикрича, минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, асосан ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳисобига амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган[3].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг асосий мақсади истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гурухлаш ва иқтисодий-статистик усууларидан кенг фойдаланилди.

Таҳдил ва натижалар муҳокамаси. Истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етишириш самарадорлигини ошириш моделини ишлаб чиқиши босқичларида кириш маълумотларини қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқариш харажатлари (мехнат, суғурта фондини шакллантириш учун, озуқа учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бирлигига моддий харажатлар);
- ўзгарувчилар натижалари (қишлоқ хўжалиги экинларининг етишириш самарадорлиги ва ҳосилдорлиги ҳақидаги маълумотлар);
- ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлатиш ва сотиш ҳажмига боғлиқ маълумотлар.

Истеъмол саватига киравчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етишириш жараёнининг учта молиявий, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва сценарий маълумотлар блогига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

дебет. Модель оралиғи $T=1$ бўлганда $XHT(t)$ хўжалик ҳисобига тушумлар қўйидагича ифодаланади:

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

$$XHT(t) = Q_0(t) * P_{j0}(t) + Q_1(t) * P_{j1(t)} + K(t) \quad (2)$$

бу ерда, $Q_0(t) * P_{j0}(t)$ - ҳосилни сотиш ($Q_0(t)$ - жорий вақт оралығыда сотилған миқдор, $P_j(t)$ - жорий нарх); $Q_1(t) * p_{j1(t)}$ - қайта ишланған маҳсулоттарни сотиш ($Q_1(t)$ - жорий вақт оралығыда сотилған миқдор, $P_{j1}(t)$ - жорий нарх); $K(t)$ - қарз

$$D(t) = a(t) * p_a(t) + b(t) * p_b(t) + (\alpha p_a(t)) + d(t) \quad (3)$$

бу ерда, $a(t) * p_a(t)$ - ҳосилни сақлаш харжатлари, $a(t)$ - сақланадиган ҳосил миқдори, $p_a(t)$ - сақлаш харажатлари; $b(t) * p_b(t)$ - қайта ишланған маҳсулоттарни сақлаш харажатлари, $b(t)$ - қайта ишланған маҳсулоттар миқдори, $p_b(t)$ - сақлаш харажатлари; $(\alpha p_a(t))$ - жорий агрокимёвий харажатлар, бу ерда α - вектор, сақлаш харажатларини ҳисобга олған ҳолда унинг таркибий қисмлари, сотиб олинған ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари,

$$IchB(t + T) = BIM(t) + (YOH(t) - SH(t) - JHY(t) - QIYM(t)) * T \quad (4)$$

бу ерда, $BIM(t)$ - бирламчи ишлаб чиқариш миқдори; $YOH(t)$ - давр учун йиғиб олинған ҳосил; $SH(t)$ - давр учун сотилған ҳосил; $JHY(t)$ - жорий ҳосил йўқотилиши; $QIYM(t)$ - қайта ишлашга юборилған асосий маҳсулоттар миқдори.

$$QIYM(t + T) = QIM(t) + (BMQIF(t) - QIMY(t)) * T \quad (5)$$

бу ерда, $QIM(t)$ - қайта ишланған маҳсулот миқдори; $QIMY(t)$ - қайта ишланған маҳсулотларнинг йўқотилиши; $BMQIF(t)$ - бошланғич маҳсулоттарни қайта ишлашнинг ишлаб чиқариш функцияси бўлиб, у бошланғич маҳсулот оқимиға, шунингдек мавжуд қувватларга боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари блогида тасвирланған асосий жараён - бу ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш юқорида таъкидланғанидек, об-ҳаво, агрокимёвий, тупроқ унумдорлиги ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Фикримизча, қишлоқ хўжалиги экинларини ўсиши бевосита ерга экилган уруғ - U ни t вақт бирлиги ичидаги ўзгариши деб қараш ва шу асосда қуйидаги тенгламани қабул қилиш ўринли бўлади.

$$\frac{du}{dt} = y_v u \left(1 - \frac{u}{E_s}\right) * e^{-Lt} \quad (6)$$

бу ерда, y_v - ўсиш тезлиги;

E_s - атроф -мухитнинг экологик салоҳияти (тупроқ унумдорлиги) ва e^{-Lt} - атамаси деб талқин қилинади. Бу тенгламани дифференциаллаб ечиш мумкин бўлган қуйидаги шаклга келтиришимиз мумкин:

$$u(t) = \frac{u_0 * E_s}{u_0 + (E_s - u_0) \exp\left(-\frac{y_v(1-e^{-Lt})}{L}\right)} \quad (7)$$

бу ерда, u_0 - экиш учун танланған уруғлар сони деб ҳисобланиши мумкин бўлган бошлан-

ва бошқа маблағлар, масалан, акцияларни сотишидан олинған субсидиялар.

$D(t)$ ҳисобидан чегирма қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

уруғлар, ўғитлар, ва бошқалар бирликларининг нархи. $d(t)$ - жорий кредит тўловлари[5].

Кўпгина ҳолатларда қишлоқ хўжалигида ги ўз молиявий ресурсларни жумладан, депозитлар, молиявий воситалар (валюта, қимматли қофозлар)ни сотиб олиш ва уларни бошқаришни ҳам ҳисобга олиш керак. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаб чиқариш баланси - $IchB$ қуйидагича формула ёрдамида ифодаланади:

$$IchB(t + T) = BIM(t) + (YOH(t) - SH(t) - JHY(t) - QIYM(t)) * T \quad (4)$$

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари йиғилгандан сўнг бир қисми бирламчи маҳсулот сифатида бозорга олиб чиқилади иккинчи қисми эса ўз навбатида қайта ишлашга жўнатилади. Қайта ишлашга юборилған маҳсулот миқдори - $QIYM(t)$ қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$QIYM(t + T) = QIM(t) + (BMQIF(t) - QIMY(t)) * T \quad (5)$$

тич қиймат. Қўриниб турганидек, чеклаш қиймати $t \rightarrow \infty$ кабі деб фараз қиласиз.

$$u_s = \frac{u_0 * E_s}{u_0 + (E_s - u_0) \exp\left(-\frac{y_v}{L}\right)} \quad (8)$$

Албатта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ерга уруғ экилиши ва етиштирилиши жараёнида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун агротехник тадбирларни ўтказилиши, ўсимликларни ҳар қандай касаллик ҳамда зааркунандалардан ҳимоя қилиш талаб этилади. Шу маънода уруғлантириш ва зааркунандаларга қарши курашда агрокимёвий бошқаришни кўриб чиқамиз:

Зааркунандаларга қарши курашиш қарорлари қишлоқ хўжаликлари даражасида, давлат томонидан тартибга солиниши ва ресурсларнинг мавжудлиги билан чекланган бўлса ҳам, зааркунандаларга қарши курашиш моделларини ишлаб чиқиш бугунги кун талабларидан ҳисобланади. Зааркунандаларга қарши курашиш самарадорлигини - ZKS ошиши, $Y(Z)$ зааркунандаларга зарар етказилмаган тақдирдаги ҳосил ҳажмини ифода этиб, Z - сув, ўғит ва ишчи кучи каби зааркунандаларга қарши кураш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқаришнинг барча манбаларини ифодалайди. Y максимал потенциал рентабелликка яқин бўлгунга қадар $Y Z$ да ошиб бориши кузатилади. $ZU(N, X)$ зааркунандалар заарланишидан йўқолган ҳосил-

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

нинг улушини билдиригин, бу ерда N – зааркундаларнинг бошланғич популяцияси ва X – пестицидлар бўлгандан, зааркундаларга курashiш самарадорлиги қўйидагича берилади:

$$ZKS = [1 - ZU(N, X)] * Y(Z) \quad (9)$$

Зааркундаларга қарши кураш маҳсулот сифатига ва миқдорига таъсир қиласди. Чунки, дехқоннинг товар учун оладиган нархи p га тенг бўлиб, унинг сифатига боғлиқ ва у қўйидагича ифода этади:

$$p = p[q(N, X, Z)] \quad (10)$$

$$F = p[q(N, X, Z)] * \{[1 - ZU(N, X)] * Y(Z)\} \quad (11)$$

Бу ерда, $C(X)$ ва $K(Z)$ -мос равишада зааркундаларга қарши кураш ва бошқа киришлар. Пестицидларга келсақ, масалан, $C(X)$ пестицидларни сотиб олиш, шунингдек, ускуналарни ижарага олиш, ўқитилган ишчиларни ёллаш ва мониторингини ўз ичига олади. $C(X)$ шунингдек, фермер жавобгар бўлган экологик ёки соғлиқ билан боғлиқ зарарни юмшатиш ёки компенсация қилиш харажатларини ўз ичига олиши мумкин. Математик оптималлаштириш терминологиясида F - дехқоннинг мақсадли вазифаси ҳисобланади [6].

Албатта, ушбу келтириб ўтилган таъсирлар сеекторнинг компонентлари деб ҳисоблаш мумкин. Бундай ҳолда, қийматларнинг ўзгариши бир зумда эмас, балки кечикишлар билан содир бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, бу модель истеъмол саватига кирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаб чиқишига, шунингдек молиявий натижани яхшилашга имкон беради. Шунингдек, моделлаштириш натижаларини қўллаш қишлоқ хўжалиги фаолиятининг энг устувор истиқболларини таҳлил қилиш ва аниқлашга, аҳолининг истеъмол эҳтиёжини тўлиқ қондиришга ёрдам беради. Тадқиқотларимизга асосан, мамлакатимизда озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада яхшилаш учун бир нечта йўналиш-

Бу ерда, q сифатни зааркундаларга қарши ҳақиқий босим ўлчови билан бир қаторда, ҳам самарали, ҳам зааркундаларга қарши кураш усули сифатида кўрсатади. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳозирги кунда албатта, зааркундаларга қарши курашда сифат ортиб бормоқда, лекин, пестицидлар каби баъзи муолажалар учун ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш q ни камайтириши мумкин. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлигидан олинадиган фойда – F қўйидагича ҳисобланади:

ларда ишлар олиб бориш талаб этилади. Жумладан:

мамлакатда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш учун қонунчилик базасини янада такомиллаштириш;

аҳоли жон бошига ўртача озиқ-овқат турлари бўйича истеъмол қилишнинг худудий меъёrlарини шакллантириш;

истеъмолнинг тавсия этилган стандартларига мувофиқ худуд аҳолиси учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

импорт ўрнини босишини қўллаб-куватлаш, шу жумладан, маҳаллий товарлар, рақобат-бардошлиги ўсиши асосида импорт ички озиқ-овқат бозори боғлиқлигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши;

ижтимоий ва самарали инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан, минтақавий қишлоқ хўжалиги соҳасида институционал чора-тадбирлар қабул қилиш;

назорат қилувчи органларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари сифати пастлиги муаммосига эътиборини ошириш;

озиқ-овқат ҳавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигига суғурта тизими мониторингини яратиш инқирознинг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. О.А.Абдуғаниев. "Истеъмол саватига кирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини моделлаштириш." // Монография. – "MUMTOZ SO'Z". – Тошкент 2020. 86-91 бетлар.
2. <http://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
3. С.С.Фуломов, Д.С.Алматова. "Минтақалар озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг роли." // Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмусаси тармоқлорида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари (1-қисм).Т.: ТДАУ.- 2014й., 15-апрель. 24-26 бетлар.
4. Б.Э.Мамарахимов. "Ўзбекистонда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва саноатини ривожлантириш". // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016 йил. 4-6 бетлар.
5. О.А.Абдуғаниев. "Минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва ҳажмини прогнозлаштириш." // "Иқтисодиёт ва таълим" илмий электрон журнали. Тошкент, 2018.-№5. 122-129 бетлар.
6. О.А.Абдуғаниев. "Минтақадаги озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш жараёнларини моделлаштириш." // "Молия илмий журнали." Тошкент, 2018.-№5: 96-107 бетлар.
7. O.A. Abduqaniyev. Modeling food security in the region. // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. <http://T-Science.org> Philadelphia, USA. 2018 01 (68). 166-171 P.